

## ТУРИЗМ СОҲАСИДА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мадаминов Анваржон Мамаюнусович,  
Бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлил кафедраси катта ўқитувчisi,  
Фарғона давлат университети

**Аннотация:** Мақолада сўнгги йилларда Ўзбекистонда туризм соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириши механизмларини такомиллаштириши жараёnlари тадқиқ этилган. Тадқиқот жараёнида туризм соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириши вазифаларини амалга ошириши модели ҳамда туризм кластерлари фаолиятининг ташкилий-иқтисодий механизми ишлаб чиқилган. Мазкур ташкилий-иқтисодий механизмларнинг туристик корхоналар тадбиркорлик фаолиятида жорий этилиши фаолиятни ташкил этишида давлат иштирокидан фойдаланган ҳолда шарт-шароитларни яхшилаш жиҳатлари ҳамда умумий мақсад ўйлида асосий ва қўшимча фаолиятни бирлаштириши орқали мультиликатив самарага эришиши йўллари асосланган.

**Калит сўзлар:** туризм соҳаси, туристик корхоналар, тадбиркорлик фаолияти, туристик корхоналар фаолияти, туризм кластери, туризм маркетинги, ташкилий-иқтисодий механизм, модель.

### КИРИШ

Жаҳонда туризм соҳасида тадбиркорлик фаолиятини барча йўналишларини ривожлантириш, унинг ялпи ички маҳсулот ва аҳоли жон бошига тўғри келувчи хизматлар ҳажмидаги ўзгаришини ошириш, худудларда аҳолини янги иш ўринлари билан таъминлаш ҳамда соҳа корхоналарида тадбиркорлик фаолияти ривожланишининг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу жиҳатдан туристик корхоналарида тадбиркорлик фаолиятини янги тузилмаларини кенгайтириш, туристик корхоналарда тадбиркорлик фаолияти рақобатбардошлигини моделлар ва механизмларини такомиллаштириш асосида баҳолаш, шунингдек, соҳада тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашда инвестиция механизмларидан фойдаланиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш устувор йўналишлардан ҳисобланади.

Бугунги кунда туризм хизматлари бозорида дунё миёсида пандемиядан олдинги даврга тикланиш даври давом этаётган бир пайтда мамлакатлар соҳа фаолиятини ривожлантириш учун худудий ёндашувлар асосида чора-тадбирлар ишлаб чиқмоқда. Жумладан, мамлакатимизда ҳам соҳа фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида хукумат даражасида турли кўринишдаги чора-тадбирлар ва меъёрий-хужжатлар ишлаб чиқилмоқда. Пандемия давридаги кириш ва чиқиш туризмида кузатилган муаммолар ўрнини қоплаш мақсадида мамлакатимизда ҳам ички туризм салоҳиятидан максимал даражада фойдаланишга ўтилди. Бу борада туризм хизматлари бозорида тадбиркорлик фаолиятини яна ривожлантириш ва давлат томонидан турли кўринишдаги имтиёзлар асосида қўллаб-қувватланиши айни муддао бўлди.

Бугунги глобаллашув шароитида туристик корхоналарда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантириш соҳа фаолиятида тадбиркорлик фаолияти ривожлантиришнинг самарали стратегиясини юзага чиқариш билан боғлиқ. Тадбиркорлик фаолиятининг ривожлантириш стратегиясини шакллантириш даврини аниқлашнинг энг асосий шарти истеъмол бозорининг хусусий ривожланиш истиқболи ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолиятининг ривожлантириш стратегиясини шакллантириш даври ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида ўртacha уч йил доирасида, мамлакатларнинг йирик хизматлар яратувчи корхоналар стратегиясини амалга ошириш даври 10 йилгача бўлган муддатни ўз ичига олади[1].

Тадбиркорлик фаолиятининг ривожлантиришда хизматларни яратувчи корхоналар фаолиятини ривожланиш жараёнининг барча асосий жиҳатларини ўрганади. У корхонанинг ривожланиш шартлари билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун ривожлантиришнинг оқилона ташкил этилишини шакллантиришга қаратилгандир.

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг муҳим томони шундаки, у хизмат кўрсатиш фаолиятининг турли қирраларига алоқадор барча масалаларни комплекс тарзда ривожлантиришни шакллантиради. Ушбу ривожлантириш масалалари тор маънода хўжалик фаолиятининг охирги натижаларига тўғридан-тўғри ёки билвосита таъсир этади. Корхонада хизматлар яратиш жараёнини такомиллаштиришга қаратилган алоҳида чора-тадбирлар, қарорларнинг фақат ривожлантириш нуқтаи назари билан қаралиши корхонанинг иқтисодий фаолияти, шарт-шароитларини тўла ҳисобга олган ҳолда амалга оширишни таъминлай олмайди. Балки, ривожлантиришга бир томонлама ёндашиш корхонанинг молиявий аҳволига салбий таъсир этади. Шуларни назарда тутган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш туристик корхоналар фаолиятининг охирги натижаларига ўз таъсирини кўрсатувчи ҳар бир ривожланиш масалаларини умумлаштирган ҳолда, комплекс фаолият тарзида намоён бўлади[2].

## II. МЕТОДОЛОГИЯ

Тадқиқотнинг услубий асосини диалектиканинг асосий қоидалари ва тамойиллари ташкил этди. Туризм соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш бўйича маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш услубига таянилди. Маълумотлардан хуроса чиқаришда мантиқий таҳлил, синтез, умумлаштириш, индукция ва дедукция, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндошув усулларидан фойдаланилди.

## III. АДАБИЁТЛАР ШАРХИ

Туризм соҳасида тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши бўйича тадқиқот олиб бораётган тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, туризм соҳаси пандемиядан кейин яна қайта иқтисодиётнинг динамик йўналишига айланиши башорат қилинмоқда, шу нуқтаи назардан турдош соҳалар, яъни транспорт

(авиақатновлар, темир йўл, ерусти транспорти, сув транспорти, транспорт воситаларини ишлаб чиқиши), алоқалар ва логизм (алоқа воситалари, АКТ, халқаро муносабатлар, иқтисодиёт ривожини ҳукуқий таъминлаш, кичик ва ўрта бизнес субъектларини ташкил қилиши), инфратузилма (мехмонхоналар қуриш, миллий овқатланиш масканлари ва релаксацион дастурларнинг амалга ширилиши), хизмат кўрсатиш соҳалари (театр, мусиқа, тарихий ва маданий обидалар, овқатланиш масканлари ва меҳмонхона бизнеси), янги меҳнат бозори, иш ўринларининг яратилиши каби тармоқларнинг юксак даражада ривожи учун турткни бўлиб хизмат қилиши мумкин[3].

Туризм французча *tour* сўзидан олинган бўлиб, сайр-саёҳат маъносини англатади. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Конунида туризм тушунчасига қўйидаги таъриф берилган: “Туризм – жисмоний шахснинг доимий истиқомат қиласиган жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий-амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда (мамлакатда) ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда узоги билан бир йил муддатга жўнаб кетиши (саёҳат қилиши)”[4].

Туризм - бу одамларнинг бўш вақтларида ўз доимий турар жойларидан бошқа мамлакат ёки ўз мамлакатлари ичидаги таассурот ва дам олиш, соғлиқни тиклаш, меҳмондорчилик, билим олиш ёки касбий амалий мақсадларида саёҳат килишлари, лекин борган жойларида пул билан рағбатлантириладиган иш билан шуғулланмайдилар[5].

Жаҳон хўжалигининг глобаллашуви ва интеграциялашуви кучайиб бораётган бир даврда туризм тушунчасининг моҳиятини тўғри талқин этиш ва унинг моҳиятини тўғри англаб этиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади. Бу ҳақда хорижий ва маҳаллий олимларнинг фикри турли-туман бўлиб, турлича қараш ва концепциялар мавжуд. Жумладан, А.Ю.Александрова «Кишиларнинг доимий тураржойлари ва ишларидан фарқланувчи жойларга етиб келиши ва жойлашиши вақтида юзага келадиганмуносабатлар ва ҳодисалар йиғиндиси туризмдир»[6] - деб таъкидлаб ўтган бўлса, Ю.В.Тишуков эса “Туризм –мамлакат фуқаролари, хорижлик фуқаролар ва фуқароликка эга бўлмаган шахсларнинг доимий тураржойларидан соғломлаштириш, танишиш, касбий-ишибилармонлик, спорт,диний ва бошқа мақсадларда вақтинчая шаб турган мамлакатидаги ҳақ тўланадиган фаолият билан банд бўлмаган ҳолда вақтинчалик саёҳатлариридир”[7] - деган фикрни билдиради.

Ю.В.Тишуков ўз рисоласида “Туризм индустряси – бу меҳмонхона ва бошқажойлаштиришвоситалари, транспорт воситалари, умумий овқатланиш обьектлари, дам олиш обьектлари ва воситалари, танишиш, ишибилармонлик, соғломлаштириш, спорт вабошқамақсадлардаги обьектлар, туроператорлик ва турагентлик фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар, шунингдек, экскурсия хизматлари ва гид-таржимонлар хизматини намоён этувчи ташкилотлар тўпламидир” - деб эътироф этган бўлса, М.Б.Биржаков эса “Туристик хизмат – туризм мақсадлари, туристик хизматнинг йўналиши ва табиати, туристик маҳсулотга жавоб берувчи, умуминсоний ахлоқ ва тартиб тамойилларига мос келувчи экскурсант ёки туристнинг эҳтиёжларини таъминлаш ва

қаноатлантиришга йўналтирилган хизмат кўрсатиш соҳасидаги мақсадларга йўналтирилган ҳаракатлар йифиндисидир”[8] - деган фикрни билдиради.

#### IV. НАТИЖАЛАР

Ўзбекистонда туризм соҳасидаги ҳолат таҳлили соҳада бозор муносабатларини чукурлаштириш ҳамда соҳа таркибидаги корхоналарни мавжуд шарт-шароитдан келиб чиқсан ҳолда самарали фаолият юритиш тизимиға ўтказиш жараёни ҳали ниҳоясига етмаганлигини ҳамда тизим субъектларининг моддий-техник, иқтисодий ҳамда ҳуқуқий салоҳият даражаси бозор қонуниятлари талабларига етарли даражада жавоб бермаслигини кўрсатмоқда[9,10].


Ушбу таҳлиллар ҳамда таққослаш натижалари асосида соҳани ривожлантиришнинг навбатдаги қадами сифатида биринчи ўринда туризм хизматлари соҳасида бозор муносабатларини чукурлаштириш лозим деб ҳисоблаймиз. Бунинг учун биз томонимиздан соҳада тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш вазифаларини амалга ошириш модели ишлаб чиқилди ҳамда ушбу модельни тезлик билан соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида жорий этиш тавсия этилади (1-расм).

Моделда келтирилган ҳар бир концепция учун тадбирлар мажмуидан иборат механизмлар орқали бажарилиши кўзда тутилган аниқ вазифалар белгиланган ва ушбу вазифаларни танланган механизмлар воситасида тўлиқ амалга оширилиши соҳада бозор муносабатларининг чукурлашишига ҳамда бозор механизмларининг амал қилишига олиб келади.

Соҳада фаолият олиб бораётган тизим иштирокчилари манфаатларининг қондирилиши даражаси ташкилий-иқтисодий механизмлар самарадорлигини ифодаловчи асосий натижаси ҳисобланади.

### Туризм соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш


#### Туризм маркетинги концепцияси




#### Маркетинг вазифалари



#### Туристик хизматларни диверсификацилаш вазифаларини амалга ошириш тадбирлари



#### Туризм соҳасида тадбиркорлик фаолияти шакллари



**1-расм. Туризм соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш вазифаларини амалга ошириш модели<sup>64</sup>**

Бугунги кунда мамлакатимиз худудларида мавжуд туристик корхоналар фаолиятини самарали ташкил этиш учун кластерли ёндашув асосидаги ташкилий-иктисодий механизм таклиф этилмоқда. Туризм кластерида, мавжуд шартшароитлардан келиб чиқиб, кластернинг асосий тузилмаси сифатида туристик хизматларни таклиф этувчи туристик корхоналар қаралса, кластер билан алоқадаги элементлар сифатида худуд администрацияси, кластер таркибидағи ёндош ва

<sup>64</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

күшимиңчә хизматларни таклиф этувчи корхоналар ҳамда кластер ривожланаётган худуд ёки минтаңа қаралади[11,12,13].

## V. МУХОКАМА

Ишлаб чиқылған ва туристик ресурс салохияти юқори бўлган худудларда жорий этилиши таклиф этилаётган кластернинг тузилмавий модели кластерни турли мухитлар орқали ўзаро алоқада бўлган З та таркибий тузилмадан иборат ҳолда бўлишини ҳамда ҳар учала тузилма ўз вазифаларидан келиб чиқсан ҳолда аниқ функцияларни бажариши белгиланган.

Туризм кластерининг асосини, яъни биринчи тузилмани кластернинг асосий иштирокчилари ҳисобланган туристик корхоналар, туроператорлар ва турагентлар (кластер ядроси), кластер администрацияси ҳамда кластер фаолиятини ташкил этишда иштирок этувчи жамоатчилик ташкилотлари ташкил этади.

Кластернинг асосий тузилмаси таркибида юқорида кўрсатиб ўтилган таркибий тузилмалар билан бирга туристик фаолиятда энг муҳим фаолиятни амалга оширувчи транспорт корхоналари, мижозларни жойлаштириш корхоналари, овқатланиш корхоналари ҳамда маданий-дам олиш, соғломлаштириш корхоналари ҳамда тематик парклар фаолият кўрсатади. Кластернинг асосий таркибий тузилмаси томонидан асосий туристик маҳсулот яратилади ва мижозларга тақдим этилади.


Кластернинг асосий тузилмаси алоҳида йўналишларда кластер фаолиятини ташкил этишда зарурий ҳисобланган яна икки тузилмасиз самарали фаолиятни йўлга қўя олмайди. Бу икки тузилма – кластер инфратузилмаси ва тармоқ кластерига аралаш хизматларни етказиб берувчи тузилмалар ҳисобланади. Туризм кластери инфратузилмасини З та асосий инфратузилма тизимлари – умумий инфратузилма, ихтисослашган инфратузилма ва ахборот инфратузилмаси ташкил этади[14,15].

Кластер шаклида ташкил этилиши таклиф этилаётган худудий туризм мажмуаси, биринчидан, кластер таркибига кирувчи тадбиркорлик субъектлари фаолият самарадорлигини оширса, иккинчидан, алоҳида корхоналар фаолиятининг бир мақсад йўлида бирлашуви ўзаро ахборот алмашинуви ва инновациялар жорий этилишини кучайтиради, биргалиқда амалга оширилувчи фаолиятни мувофиқлаштириш масалаларини осонлаштиради, мижозларга хизмат кўрсатувчи инфратузилма тизимларини такомиллаштириш имкониятларини кенгайтиради. Туризм кластери ташкил этилаётган худудда эса мавжуд малакали меҳнат ресурслари, маҳсус солиқ режимлари ҳамда кластер иштирокчилари бошқаруви доирасида инвестиция фаолияти билан боғлиқ янги молиявий тузилмалар пайдо бўлиши учун кулагай шарт-шароитларни яратади[16].

Юқорида кўриб ўтилган тузилмавий модел негизида туризм кластерларининг ички ва ташқи муносабатларни ҳисобга олувчи фаолият кўрсатиш механизми маълум даражада шаклланган ва тадқиқот жараёнида ушбу механизмни тизимлаштирган ва такомиллаштирган ҳолда фойдаланишга тавсия этилди (2-расм).

Таклиф этилаётган механизмда кластер тизимларининг нормал фаолият кўрсатиши учун туристик корхоналарда тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш чора-тадбирлари таклиф этилган. Жумладан, кластерни

шакллантириш ташаббусини рафбатлантириш, замонавий туризм кластерини шакллантириш учун ҳудудий туризм администрациясини шакллантириш, кластер таркибий тузилиши ва туристик маҳсулот ишлаб чиқаришни тарғиб қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш, тайёргарлик жараёнининг узлуксиз ва самарали бажарилишини таъминлаш ва бошқалар.



## **2-расм. Туризм кластерлари фаолиятининг ташкилий-иқтисодий механизми<sup>65</sup>**

Мавжуд технологик ва илмий инфратузилманинг мустаҳкамланиши илмий-тадқиқот муассасалари ва туристик корхоналар ўртасидаги интеграцион алоқаларни чуқурлаштиришга асос бўлиб хизмат қиласи. Шу билан бирга, ижтимоий-иктисодий институтларнинг ўзаро ҳамкорлиги ва боғлиқлигини ошириш орқали туристик корхоналарни кластерлаш жараёнини сезиларли даражада тезлаштириши мумкин. Кластер самарадорлигининг юқори даражасига унинг субъектларини ривожлантиришнинг рағбатлантирувчи ташкилий-иктисодий механизmlар самарали фаолият қўрсатган ҳолда эришилади. Бунда, туристик корхоналар кадрларининг таҳлили ходимларнинг

<sup>65</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилған.

юқори ёши ва олий ўқув юртларида касб таълимининг ишлаб чиқариш жараёнидан ажралиб туришини кўрсатади. Ушбу муаммони ҳал этиш янги инновацион технологиялар ёрдамида рақобатбардош туристик маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишда ўзига хос туристик корхоналар эҳтиёжларига йўналтирилган маҳсус дастурлар билан стандарт таълим дастурларини тўлдириш орқали юқори малакали мутахассисларни мақсадли тайёрлаш тизимини ишлаб чиқиши билан чамбарчас боғлиқ.

Тадқиқот жараёнида такомиллаштирилган ташкилий-иктисодий механизmlарнинг туристик корхоналар тадбиркорлик фаолиятида жорий этилиши, биринчидан, фаолиятни ташкил этишда давлат иштирокидан фойдаланган ҳолда шарт-шароитларни яхшилашга олиб келса, иккинчидан, умумий мақсад йўлида асосий ва қўшимча фаолиятни бирлаштириш орқали мультиплекатив самарага эришиш имконини беради.

## VII. ХУЛОСАЛАР

Мақолада амалга оширилган тадқиқотлар натижалари асосида туристик корхоналарда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг иктисодий механизmlарини такомиллаштириш бўйича қуйидаги илмий хулоса ва таклифлар ҳамда амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Жаҳонда туризм соҳасини ривожлантириш аҳоли бандлигини, тадбиркорликни рағбатлантириш, даромадни ва ҳудудлар бюджетининг даромад қисмини ошириш каби кенг кўламли ижтимоий-иктисодий масалаларни ҳал этиш имконини беради. Туризм соҳаси одамлар ва уларнинг гурухлари ўзларининг ижтимоий, иктисодий, экологик, маданий, маърифий ва бошқа манфаатларини рўёбга чиқарадиган ҳамда тегишли эҳтиёжларни қондирадиган ижтимоий-иктисодий тизимдир.

2. Туризм соҳасида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш орқали соҳанинг миллий иктисодиёт макро кўрсаткичларидағи улушини ошириш бугунги кунда иктисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишни назарда тутувчи Тараққиёт стратегиясида ҳам ўз аксини топган бўлиб, соҳада тадбиркорликни амалга ошириш, туристик корхоналар ва туризм инфратузилмасини ривожлантириш орқали туристик хизматлар ҳажмини ошириш бўйича мақсад ва вазифалар белгиланган.

3. Мамлакатимиз ҳудудларида мавжуд туристик корхоналар фаолиятини самарали ташкил этиш учун кластерли ёндашув асосидаги ташкилий-иктисодий механизм таклиф этилмоқда. Туризм кластерида, мавжуд шарт-шароитлардан келиб чиқиб, кластернинг асосий тузилмаси сифатида туристик хизматларни таклиф этувчи туристик корхоналар қаралса, кластер билан алоқадаги элементлар сифатида ҳудуд администрацияси, кластер таркибидаги ёндош ва қўшимча хизматларни таклиф этувчи корхоналар ҳамда кластер ривожланаётган ҳудуд ёки минтаقا қаралади. Туризм кластерларининг ички ва ташки муносабатларни ҳисобга олувчи фаолият кўрсатиш механизми маълум даражада шаклланган ва тадқиқот жараёнида ушбу механизмни тизимлаштирган ва такомиллаштирган ҳолда фойдаланишга тавсия этилди. Таклиф этилаётган механизмда кластер тизимларининг нормал фаолият

кўрсатиши учун туристик корхоналарда тадбиркорлик фаолиятини рафбатлантириш чора-тадбирлари таклиф этилган.

## VII. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ҳ.Ботирова, Ш.Тоштемиров. Глобаллашув шароитида туризм хизматларини бошқаришнинг такомиллаштириш йўллари. "[BIZNES - EKSPERT](#)". 02.07.2019 й.
2. Орипов А.А. Иқтисодиётдаги рақамли ўзгаришлар шароитида хизматлар соҳасини бошқаришнинг ташкилий-иктисодий механизмларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси. -Тошкент: 2021. -147-б.
3. Сайфутдинов Ш.С. Ўзбекистонда туризм соҳасини барқарор ривожлантириш стратегияси. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. - Тошкент.: 2022. -14-16-бетлар.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Туризм тўғрисида”ги Қонуни”. Тошкент ш., 2019 йил 18 июль, ЎРҚ-549-сон. (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 19.07.2019 й., 03/19/549/3446-сон).
5. И.В.Зорин, В.А.Квартальнов. Экономика туризма. - М; Ф и С, 2004. - 35 с.
6. Александрова А.Ю. Международный туризм. –Москва: Аспект Пресс, 2001. 12-бет.
7. Тишуков Ю.В. Потребитель на рынке туристических услуг. –Ростов-на-Дону: Феникс, 2007. - 4 с.
8. Биржаков М.Б. Туристические услуги, работы, товары. –Москва–Санкт-Петербург: Издательство «Невский фонд» – «Издательский дом Герда», 2003. С.108.
9. Мирзаев А.Т. Туристик-рекреация корхоналари фаолиятини бошқаришнинг иқтисодий самарадорлиги таҳлили // Иқтисодиёт ва таълим. - 2019, №6. 214-219-б.
10. Mirzaev A.T. Assessment of cluster formation in management of recreational activity. International Scientific Journal "Theoretical & Applied Science", Philadelphia, USA. 04, (84), 2020. – 605-610-pp.p -ISSN: 2308-4944. <http://T-Science.org>
11. Mirzaev A.T. Evaluation of innovation capacity resource components in effective management of recreational clusters on the basis of econometric analysis. EPRA International Journal of Research and Development (IJRD). India. Volume: 5 Issue: 7 July 2020. –P.131-137. DOI: <https://doi.org/10.36713/epra4790>
12. Мирзаев А.Т. Совершенствование системы электронного бронирования как часть цифрования управленческой деятельности туристско-рекреационных предприятий. Бюллетень науки и практики. Нижневартовск, Россия. Т. 6. №8. 2020. – 99-104 б. DOI: <https://doi.org/10.33619/2414-2948/57>
13. Мирзаев А.Т. Ўзбекистонда туристик-рекреация корхоналари фаолиятини бошқаришнинг ташкилий-иктисодий механизмларини

такомиллаштириш. Ишлаб чиқаришни кластер усулида ташкил этишнинг зарурити. Бизнес-Daily медиа. -2020, №1. -62-65-б.